

**УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МАҲНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИНИ  
МУСТАҲКАМЛАШДА ВОРИСИЙЛИК АНЪАНАЛАРИ**

Махамадалиев Лутфулло Умарали ўғли

ФарДУ Тарих факультети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6753516>

**Аннотация.** Мақолада Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанснинг пойдеворини яратишидаги ислоҳотлар, унинг миллий, маданий, тарихий, фалсафий асослари, ренесанслараро боғланишини таъминлашда ворисийлик анаъаналари, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундан бугунги кунда фойдаланишининг маърифий асослари таҳлили қилинган.

**Калим сўзлар:** янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс, жамият, ҳалқ манфаати, “Янги Ўзбекистон стратегияси”, Ислом маданияти, тизимлилик, ворисийлик, мерос, таълим.

**ТРАДИЦИИ ПРЕЕМСТВЕННОСТИ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНЫХ И  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОСНОВ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА**

**Аннотация.** В статье анализируются реформы в создании фундамента третьего возрождения в Новом Узбекистане, его национальные, культурные, исторические, философские основы, традиции преемственности в обеспечении связи ренессанс, вклад наших великих предков в цивилизацию и образовательные основы его использования сегодня.

**Ключевые слова:** новый Узбекистан, третья ренессанс, Общество, Интересы людей, "стратегия нового Узбекистана", исламская культура, систематизм, преемственность, наследование, образование.

**TRADITIONS OF SUCCESSION IN STRENGTHENING THE SPIRITUAL AND  
EDUCATIONAL FOUNDATIONS OF THE THIRD RENAISSANCE**

**Abstract.** The article analyzes the reforms in the creation of the foundation of the third renaissance in New Uzbekistan, its national, cultural, historical, philosophical foundations, the traditions of succession in ensuring the connection of the Renaissance, the contribution of our great ancestors to the Jahan civilization and the educational foundations of its use today.

**Keywords:** new Uzbekistan, third Renaissance, Society, People's interest, "new Uzbekistan strategy", Islamic culture, systematism, succession, inheritance, education.

**КИРИШ**

Жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон”, “Янги Ўзбекистон тажрибаси” деган иборалар тилга олинмоқда. Бу мамлакатимизда кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофи десак ҳечам муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон ҳалқининг кўп асрлик бой тарихига назар ташлар эканмиз, унда азалдан илм-маърифатга алоҳида эътибор қаратилиб келганлигини гувоҳи бўламиз. Ўша даврларда жамиятда илм-фан, санъат ва маданиятнинг юксалиши, буюк сиймоларнинг ўз ижодида эришган ютуқлари жаҳон тамаддуенинг ривожига қўшган ҳиссаси барчамизни бирдек фахру-гуруримизга сабаб бўлиб келмоқда.

Барчамизга тарихдан яхши маълумки, диёримиздаги биринчи Ренессанс даври - Сомонийлар даврига тўғри келиб, ушбу даврда буюк аждодларимизнинг яратган илмий-фалсафий асарлари ва оламшумул кашфиётлари ислом цивилизациясига тамал тоши бўлди. Ренессанснинг иккинчи даври эса – Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келиб, нафақат Моварауннаҳр, балки бутун Марказий Осиё ўлкалари ўз тараққиётининг янги поғонасига кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллик тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда», - деган сўзи янгради.

Юртбошимиз мазкур чиқишиларида бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас», деб такидладилар.

Дарҳақиқат Ўзбекистонда янги уйғониш - Учинчи Ренессанс даври бошланди. Мақур ҳолатни бугунги қунда мамлакатимизда, шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда. Бинобарин, мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳияти мағзини чақиш ва уни рўёбга чиқаришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жиспланиб “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини событ қадамлик билан амалга оширишга киришди. Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмоқда. Миллий руҳ ва умуминсоний қадриятлар уйғун бўлган ижтимоий тафаккур – мамлакатимиз барқарор ривожланишининг ўзан мезон ва мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Маданият тарихида шундай буюк ҳодисалар борки, уларнинг номлари ўзларидан анча кейинроқ майдонга чиққан. “Ренессанс” атамаси ҳам илк бора XVI асрнинг ўрталарида қўлланила бошлагани ҳолда у ифодалаган жараён XII-XIII асрларда юзага чиққан. Уни маданият, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларидаги юксалиш, тубдан эврилиш, янгиланишни билдирадиган термин сифатида татбиқ қилишган. Европа олимлари узоқ мuddат Ренессансни фақат Ғарб олами учун хос ҳодиса, деб талқин этиб келишган. Аммо хитой, грузин, арман, озарбайжон Ренессанси тарихи ва ўзига хос такомилини маҳсус тадқиқ қилган академик Н.И.Конрад, Ш.И.Нуцубидзе, В.К.Чалаян, И.С.Брагинский, О.Хожиев каби олимлар Шарқда ҳам ўзига хос Ренессанс жараёни мавжуд бўлганлигини исботлаб беришган. Айни жиҳатдан Ренессанс кучли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий асосда пайдо бўлган “маданий феномен” ёки оламшумул эврилишdir.

Шу маънода, тарих саҳнасида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон Шарқ Ренессансининг марказларидан бири сифатида довруқ қозонган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Давлатимиз раҳбари ҳозирги даврни миллий тикланишдан миллий юксалиш сари деб эълон қилганлигининг замирида қатъий ишонч ва чуқур ҳикмат мужассам. Негаки, кейинги 10 йиллигимиз асл юксалиш ва тараққиёт даври бўлиши муқаррар. Зеро охирги йилларда қабул қилинган ва албатта қилинажак қонунлар, фармон ва қарорлар, амалга

оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тараққиётнинг янги уфқларига асос бўлади. “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирап эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадими ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир кўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”, дейди Шавкат Мирзиёев. Мазкур жиҳатларни “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Халоллик вакцинаси”, “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди!”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, “Адолат – қонун устуворлигига”, “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, “Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз”, “Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шиҷоатли, буюк халқмиз” каби тамойилларни амалиётга татбиқ қилинаётганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Президентимизнинг илм-маърифатни ривожлантиришга қаратилган кўплаб чиқишлирида нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билим савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак бўлиб, илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади деб донишмандларча айтган сўзлари муқаддас китобимиз Қуръоннинг илк оятида ҳам “Ўқинг”, “Ўқинг” деб илму маърифатга алоҳида ургу берилганлиги ва “Илм”сўзининг такрор ва такрор келганлиги ҳамда Имом Бухорий бобомизни “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай!” каби сўзлари бу даватнинг нақадар муҳимлигини анлатади. Шунинг учун Президентимиз жорий йилда Олий Мажлисга мурожаатидаги нутқларида бекорга “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” деб уқтириб ўтмади.

Илм-фан, маънавият-маърифатга тикилган сармоя буюк келажак учун киритилган инвестициядир. Илм-маърифат ривожланмаган давлат ҳеч қачон тўлақонли давлат бўла олмаслиги бизга узоқ тарих ҳамда бугунги асримиздаги юксак тараққий этган илғор мамлакатлар тажрибасидан жуда яхши аён. Дарҳақиқат, илм-маърифат икки дунё саодатидир. Илм маърифатсиз киши берилган неъматлар қийматини англаб етмайди. Илм-маърифат инсон учун нажот.

Шу боис, юртимиз қадим-қадимдан илм-маърифат маркази, цивилизациялар чорраҳаси бўлиб келган. Ушбу табаррук заминдан дунёга илму ирфон зиёсини таратган буюк алломалар, олиму мутафаккирлар етишиб чиқкан. Улар илм-фаннинг кўплаб жабҳаларига асос солиб, жаҳон тамаддунининг шонли маёғи бўлиб келганлар. Таъкидлаш жоизки, хусусан, Ўзбекистон худуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини таъкидлаш бизга фахр ва ғурур бағишлийди.

Халқимизнинг улуғвор қудрати буюк ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райхон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб мутафаккирлар, яъни илм-фан асосчилари қилган кашфиёт ва изланишларда намоён бўлиб турибди.

Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари аждодларимиз номи эса нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Шу сабабли ҳам давлат раҳбари ўз нутқида илм-фанга бўлган юксак эътибор ва таълимга тўхталиб, “Вакт ўтиб, болаларимиз ҳам Улуғбек, Ибн Сино, Беруний бўлади, мен бунга албатта ишонаман” деб таъкидлади.

Энг асосий ишларимиздан бири, биз ўша X-XII, XV асрлардаги Ренессанс даврини юзага чиқарган олиму фузалоларимизнинг фақатгина исмларини узундан узок рўйхатини санаб беришни қотирамиз. Аммо уларнинг қандай китоблар ёзганлигию қанақа кашфиётлар қилганини тузукроқ англамаймиз ҳам. Таълимнинг ҳамма босқичларида талабгорларнинг савиясига кўра буларни ўргатишни йўла қўйиш лозим. Мутафаккир алломаларнинг бошланғич мактабни қандай ўқиганликлари ҳақида бир қизиқиб кўрайлик. Масалан, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ёки Али Кушчилар Қуръони каримни ўн ўшларидаёқ ёдлаб олишган. Алишер Навоий, Бобур мирзо каби йирик шоирлар ўсмирикларида ўз даври ва ўзларидан олдин яшаб ўтган шоирларнинг 50-100 минг мисра шеърларини ёд билишган. Демак, ёдлаш, болага ёшлиқдан ёдлатишга жуда қаттиқ эътибор қаратиш зарур. Зеҳни ўткир бола ҳар қандай фанни ўзлаштириб кета олади. Зеро, Ренессанс даври олимларининг қомусийлиги, яъни бир вақтнинг ўзида фаннинг бир неча соҳаларида ютуқларга эришганининг сабабларидан бири шудир.

Дарҳақиқат, ўтмишдаги буюк зафарлар ва дунёни лол қолдирган мэрраларга орзуният қилиш ёхуд ҳавасланиш билангина эришиб бўлмайди. Булар астойдил меҳнат, интизом билан ўқиши, ғайрат-шижоат билан қўлга киритилишини ўзимизга ва ёш авлод онгига қайта-қайта сингдириш лозим.

Ва яна дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, билим олишдаги мунтазамлик ва ўқилганларни қайта мулоҳаза қилиш, мустақил фикрлаш ва янгиликка интилиш туйғуси барча ютуқларга эшик очади.

Доноларнинг шундай хикмати бор, агар мамлакат 1 йил ривожланаман деса – буғдой эксин, агар мамлакат 10 йил ривожланаман деса – дараҳт эксин, агар мамлакат 100 йил равнақ топаман деса – ўз ўшлари тарбиясига жиддий эътибор қаратсин. Дарҳақиқат, бугун қайси мамлакат ўз олдига улкан мақсадлар қўйган бўлса, уларнинг бош асоси ўшлар тарбияси, таълим тизимининг юксак даражаси эканлигини англаб етганлигига намоён бўлмоқда.

Таълим бу инсоннинг имкониятларини кенгайтирувчи бош омилдир. Сифатли таълим олиш инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилашга ва барқарор ривожланишига асос бўлади. Охирги 5 йилда мамлакатимиз ҳаётида халқимизнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда қамровини янада ошириш юзасидан юқори муваффақиятларга эришилди.

Зоро, бугунги ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Дунёнинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Бу каби ҳаётий ҳақиқатни англаган ҳалқимиз Президент Ш. Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолиги ва ташабbusи билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош асоси деб билмоқда. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Буларнинг барчасидан ягона мақсадимиз – мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса Янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат”.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Сўнги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган энг муҳим хужжатлардан бири бу – “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши бўлди. Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга мазкур соҳада қонунчиликни тизимли йўлга қўйиш борасида президент Шавкат Мирзиёев “бутун узлуксиз таълим тизимини хукукий тартибга солишга қаратилган яхлит Таълим кодексини ишлаб чиқиш пайти келди” деб таъкидламоқда.

Янги Ўзбекистонда таълим тизимидағи ислоҳотлар ва амалий чора-тадбирлар қуидаги йўналишлар бўйича ташкил этилмоқда:

- 1) мактабгача таълим соҳасида;
- 2) умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим;
- 3) олий таълим;
- 4) олий таълимдан кейинги таълим;
- 5) кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасида ислоҳотларнинг бошланиши ҳам бугунги кунда ушбу соҳага алоҳида эътибор берилаётганлигини кўртсатмоқда. Болалар тарбиясида энг асосий ва бош бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Юртимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлигининг ҳам ташкил этилганлиги ушбу соҳадаги асосий ислоҳотлардан бири бўлди десак, асло муболаға бўлмайди.

Бугунги модернизация жараёнлари, ислоҳот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалмоқда.

Бу борада эса таълим даргоҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб шароитларни яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Биз “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган улуғ ғоя асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга қўтарамиз”.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда 2021 йилда 31 та янги мактаб қурилди ҳамда 320 та мактаб таъмирланди. Янги мактабларни қуриш, мавжудларини таъмирлашга жами 2 трлн 50 млрд сўм ажратилди. 2022 йилда ҳам 2022 йилда давлат томонидан 410 млрд сўмлик 40 та мактаб қуриш режалаштирилган. Бу ўтган йилгидан деярли икки баравар кўп. Лекин ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маълум қисмини, албатта, олий таълим тизимидағи ислоҳотлар ташкил этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб бермоқда.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўргангандан ҳолда, сиртқи ва кечки таълим шакллари қайта тикланди, қабул квоталари оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад ва унинг келгуси йўналишлари ҳақида ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Биз олий таълим тизимини янги сифат босқичига қўтариш, олий ўқув юртларитизимини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, пировардида илм-фанинг йирик ўчоқларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Аҳолининг олий таълим билан қамраб олингандик даражаси муттасил ошириб борилади.

Мамлакатимизда янги олий таълим муассасалари, жумладан, хорижий университет ва институтларнинг филиаллари ташкил этилиб, уларнинг сони 200 тага етказилади”.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли мактаб битиравчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2017-2021 йилларда бу рақам олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етди. 2030 йилда 50 фоизга етказилади. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари 2 баробар кўпайтирилади. Олий таълим муассасалари сони 141 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 182 мингтага ошди. Хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг 26 та филиалида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юкламаларини мақбуллаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртacha 3,5 баробарга оширилиши — олий таълим ислоҳотларининг дастлабки натижалариdir.

Демак, юқоридагилардан хulosса қиладиган бўлсак, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам бугунги кунда ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислоҳотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада кенг кўламда давом эттириш давр талабидир. Зоро, Президентимиз ибораси билан айтганда “Янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни, Учинчи Ренесансни барпо

этишда педагоглар, профессор- ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларни энг катта куч, таянч ва суюнч, деб биламан. Уларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятини қўллаб-кувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб бериш” барчамизнинг бош мақсадимизга айланмоғи лозим.

Айтиш жоизки айнан шундай юқорида келтириб ўтган улуғ мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири инсон капиталини ривожлантириш бўлса, бошқаси 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгилангани барчанинг ёдида, албатта.

### **МУХОКАМА**

Бугунги кунда ҳар бир Ватан фидойилари, илм-фан арбоблари, тадқиқотчилар, олимлар диёримиздаги янги уйғониш даврининг ўзига ҳос бўлган жиҳатларини соҳалар кесимида тадқиқ қилишга киришди. Жумладан педагогика фанлари доктори, профессор М.Куронов ва психология фанлари бўйича фалсафа доктори Х.Жабборовлар томонидан учинчи ренессанс даврининг ғоявий, мафқуравий, педагогик, психологик жиҳатлари тадқиқ қилинди ва унда қуидагича таҳлилларни келтириш мумкин. “Учинчи Ренессанс – маъно + фикр + ғоя + ҳаракат = Миллий ғоя!” формуласи келтирилади. Бунда асосан мустақилликнинг мустаҳкам ҳимоялаш кераклиги, мазкур ҳолат бўйича ўтмишдан сабоқ чиқариш кераклиги, масалан мустақилликнинг ҳарбий ҳимоялаш мумкин, маънавий ҳимоялаш мумкинлиги, тарихдан бизга маълумки биз қачон мустамлакага тушган бўлсак ҳалқнинг бирлашмаганлиги ҳалқнинг бириглашмаганлигини сабаби эса, ҳаммани бирлаштирадиган ғоя ишлаб чиқилмаганлиги ва бу ғоя одамларнинг қалбига сингдирилмаганлиги бўлиб чиқади.

Бизда бу ғоя бор “Миллик тикланишдан – миллий юксалиш сари”. Энди манашуни мустақилликни ҳимоя қилиш, учинчи ренессанс пойдеворини ҳимоя қилишимиз керак. Биз буни ўз вақтида ҳимоя қиласақ у бузилиши мумкин душманлар томонидан. Буни ҳам маънавий томонидан ҳимоя қилишимиз керак. Яъни учинчи ренессанс даврини пойдеворини бузишга ҳаракат қилаётганларга қарши курашишимиз керак.

Бизга узоқдан туриб маънавий ҳужум қилишяпти. Манашу маънавий ҳужумларга индамай турмаслигимиз керак. Уларга жавоб беришмимиз керак ва бу ҳам илмий асосда бўлиши керак. Учинчи ренессанснинг қурилиши ва ҳимояси илмий асосга қурилса, бу катта кафолат бўлади. Ватанни чегарачи қўлида қурол билан қандай ҳимоя қилаётган бўлса, одамларнинг маънавиятида ҳам шундай ҳимоя ўрнатилади.

Учинчи ренессанс миллий ғоя нима учун биз уни маънавий ғоя деб аташимиз керак. Чунки илмга қарасак бунинг жавобини биламиш. Унда маъно деган сўздан бошлаймиз. Чунки учинчи ренессанс даври мукаммал амалга ошиши учун, тез амалга ошиши учун одамлар, ёшлар учинчи ренессанснинг маъносини тушуниб олишлари керак, қабул қилиб олишлари керак. Ўзига манфаатли эканлигини англашлари керак. Ўзини баҳтли бўлишлиги учун учинчи ренессанс бўлишлигига иқор бўлиши керак. Маъносини тушуниши керак.

Маънодан кейин фикр келади. Фикрдан кейин ғоя келади. Ғоядан кейин ҳаракат бошланади. Ҳаракат эса Учинчи Ренессансни яратади. Ҳар бир Ўзбекистонликнинг онгиди ҳаракат натижаси ўлароқ.

Демак биз ҳозир шуни бошидан бошламасак, бошидан пухта илмий асосда илмий ташкил этмасак қийин бўлади. Нима учун қийин бўлади. Одамлар яхши тунушунмаса, яхши англамаса, ўзини манфаатини кўрмаса умуммиллий ҳаракатга қўшилиши қийин бўлади. Яна уларни чакириб, йигиб ташкил қилиш керак бўлади. Улар бу ҳаракатга қўшилишни хоҳламаслиги мумкин, майда – чуйда ишларга берилиб. Шунинг учун биринчи босқичи одамларга учинчи ренессансни маъносини тушунтириш босқичи.

Иккинчи босқич одамларни фикрларини пайдо қилиш босқичи. Яъни одамлар учинчи ренессанс ҳақида майли бошқа сўзлар билан гаплаша бошласин, кундалик ҳаёти давомида учинчи ренессанс ҳақида гаплашиб, саволлар бера бошласин, ўзини фикрини айтсин, нега, чунки одамла ўзини фикрини айтмаса, одамлар учинчи ренессанс ҳақида нималарни билиши, нималарни ўйлаётганлиги, бу фиклари тўғрими, нотўғрими эканлигини билиб бўлмайди, баҳолаб бўлмайди, даражалаштириб, қаерда, қайси худудда одамлар учинчи ренессансни тўғри англаяпти, қаерда яхши, қаерда ўртача ва қаерда англамаяпти деб даражалаштириш мумкин.

Учинчи босқич ғоя босиқичи. Учинчи ренессанс ҳар бир одамнинг ғоясига айландими, йўқми, қаерда, қайси худудда, қайси ташкилотда, вазирликдаги одамларни ғоясига айланди учинчи ренессанс ғояси, тўлиқ айланди, қаерда ўртача ва қаерда айланмади, бунинг сабаларини ўрганиб, ҳалақит бераётган сабаларни ёқотиш керак. Ривожлантириётган сабабларни ривожлантириш керак.

Тўртинчи босқич бу ҳаракат босиқичи. Қаерда учинчи ренессанс учун одамларнинг ҳаракати фаол, қаерда ўртача ва қаерда ҳаракати суст. Нима учун суст. Илимий ва фақат илмий ёндашув бу саволларга жавоб берадиди, ноилмий ёндашув фақат юзаки кўради, юзаки хулоса қиласи, юзаки ишларни ташкил қиласи ва юзаки натижаларга эришилади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Бу эса учинчи ренессанс масаласи маънавий-мафкуравий масалада тўрт босқичдан иборат бўлиши керак.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлекатимизда илм-маърифатга берилаётган алоҳида эътиборнинг замирида чуқур маъно бор. Илм-маърифат – бу янги уйғониш даврининг пойдевори, унинг асосида эса шу юрт фуқароларининг миллий тафаккури, миллий ғояси, эртанги кунга, тараққиётга бўлган ишончи бўлиб, қайсики, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи асосий устувор омиллардан биридир. Илм-фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти кафолатланади, мазкур кафолат эса ўзида янги ренессанс даврини ифода этишига ҳечам шубҳа йўқ.

## *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. –Б. 150.
2. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Ал-фанны-ус-соний фи-л-қофия вар-радиф // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – № 3.
3. Абулқалам Озод. (2015). Инсон шахсга айланмаган жойда жамият мукаммал бўлолмайди. Маънавий ҳаёт // Тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий оммабоп журнал. № 2.
4. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. –Т.: Академия, 2000. –Б. 42-43.

5. Мирзиёев, Ш.М.(2021). Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, Ўзбекистон, 464 б (Mirziyoev, Sh.M.(2021). New Uzbekistan strategy. Tashkent, Uzbekistan, p.464.)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази фаолиятини ташкил этиши түғрисида. [http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact\\_id=3296658.](http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact_id=3296658) (The Decision on the organization of the Islamic Culture Center of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. [http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact\\_id=3296658.\)](http://lex.uz/Pages/GetPdfView.aspx?lact_id=3296658.)
7. Мирзиёев, Ш.М.(2017). Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом
8. эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 592 б.
9. 8.Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal.* 2020;10(12):1014-20.
10. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета,* (3), 38-42.
11. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
12. 11.Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities,* 1(1.7 Philosophical sciences).
13. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences,* 1(3), 79-86.
14. 13.Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science,* 16 (2), 55-59 p.
15. 14.Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review,* (7-8).
16. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations,* 2(12), 364-369.
17. 16.Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. Turkey,* 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
18. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA), - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83*